



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

123 a -son

Bog‘ot shaharchasi

“И.Дўсов” худудида фаолият кўрсатаётган “Азамат Сухробжон” фермер хўжалигига кўшимча узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

“И.Дўсов” худудида кўйчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Азамат Сухробжон” фермер хўжалиги бошлиғи А.Машариповнинг фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳоқими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳоқимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “И.Дўсов” худудида кўйчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Азамат Сухробжон” фермер хўжалигига “И.Дўсов” худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1481, 1482, 1483, 1484, 1486, 1487-контурлардаги умумий ер майдони 9,0 гектар, шундан 7,0 гектар экин ери, 1,8 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,2 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини кўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Азамат Сухробжон” фермер хўжалиги (бошлиғи А.Машарипов)га Боғот тумани ҳоқимининг қарори билан ажратиб берилган 1492, 1811, 1812, 1813, 1815, 1816, 1822, 1823, 1824, 1825, 1826, 1827, 2018, 2023к, 2037к-

контурлардаги жами 169,8 гектар, шундан 2,6 гектар ўрмонзор, 1,5 гектар қўллар остидаги, 0,7 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 2,0 йўллар остидаги, 0,2 гектар қурилиш остидаги, 162,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасига қўшимча 1481, 1482, 1483, 1484, 1486, 1487-контурлардаги умумий ер майдони 9,0 гектар, шундан 7,0 гектар экин ери, 1,8 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,2 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 178,8 гектар, шундан 7,0 гектар экин ери, 2,6 гектар ўрмонзор, 1,5 гектар қўллар остидаги, 2,5 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 2,2 гектар йўллар остидаги, 0,2 гектар қурилиш остидаги, 162,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар билан банд бўлган ер участкаси қолган (46 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Азамат Сухробжон” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “Азамат Сухробжон” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га туман ҳокими билан “Азамат Сухробжон” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “Азамат Сухробжон” фермер хўжалиги (бошлиғи А.Машарипов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев